

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2018  
Декабрь

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>А.АКБАРОВ</b>	
Ҳайнрих Ҳайненинг “Қарағай” шеъри ва унинг таржималари ҳақида .....	83
<b>ТИЛШУНОСЛИК</b>	
<b>А.МАМАЖОНОВ, А.САМИНОВ</b>	
Оксюморон – нутқда ғайриодатий бирикмалар ҳосил қилиш усулларидан бири .....	88
<b>М.РАСУЛОВА, И.ҚУЧҚАРОВ</b>	
Инглиз ва ўзбек тиллари паремия ва фразеологик бирликларининг концептуал гендер таҳлили .....	91
<b>Ҳ.ЗАКИРОВА</b>	
Замахшарий ва унинг “Муқаддамат ул-адаб” асари талқини .....	94
<b>ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ</b>	
<b>Б.УМУРЗАҚОВА</b>	
Хорижий тилларни ўқитишда ёшларда эстетик дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик асослари .....	97
<b>А.АБДУЛЛАЕВ, Н.АБДУЛЛАЖОНОВ</b>	
Мамлакатимиз оммавий жисмоний маданияти ва оммавий спортининг назарий асослари .....	100
<b>ИЛМИЙ АХБОРОТ</b>	
<b>М.НАЗАРОВ</b>	
Балиқларни тўйимли тирик озуқа билан боқиш сифатли балиқ етиштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида .....	103
<b>Ш.ЖУМАНИЯЗОВ</b>	
Ўзбекистон тасвирий санъатида маҳобатли рангтасвир асарларнинг тарихий ва замонавий интеграцияси .....	105
<b>А.АБДУХАЛИМОВ</b>	
Мустақиллик йилларида Фарғона водийси қишлоқларида янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалалари .....	109
<b>И.М.АРЗИМАТОВА, М.ИСМОИЛОВА</b>	
Шахс тарбиясида эстетик қадриятларнинг ўрни .....	112
<b>А.ҚАМБАРОВ, М.НАЖМЕТДИНОВА</b>	
Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда мусиқий маданиятнинг роли .....	114
<b>С.СОДИҚОВ</b>	
Аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фуқаролик жамияти қуриш гарови .....	116
<b>А.САБИРДИНОВ</b>	
Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романига чизгилар .....	119
<b>Д.ХУСЕНОВА</b>	
Лев Толстой ҳикояларида шарқона мотивлар .....	121
<b>В.ГИЁСОВА</b>	
Эртанинг халқ оғзаки ижодиётида фольклор матнининг кўринишларидан бири сифатида .....	124
<b>М.ШОКИРОВА</b>	
“Спорт” семали бирликлар хусусида .....	127
<b>А.АСИМОВ</b>	
Ўқувчиларни масала тузишга ўргатишда инновацион ғоялардан фойдаланиш .....	129
<b>Д.ҚАМБАРОВА</b>	
Янги авлод ўқувчиларининг интеллектуал ва ижодий ривожланишининг давлат таълим сиёсати .....	133
<b>Д.ЮЛДАШЕВА, Н.НАБИЕВА</b>	
Болалар фольклорида “Бўри” зооморф метафорасининг антропоцентриқ таҳлили .....	135
<b>М.ДИЛБАРЖОНОВА</b>	
Тахаллус ва лақабларнинг қўлланилиши хусусида .....	138
<b>И.ЮЛДАШЕВ, И.ПУЛАТОВ, Г.ЙУЛДАШЕВА</b>	
Тасвирий санъат машғулотлари орқали тушунча, тасаввурлар ҳосил қилишда кўргазмалилик принципининг назарияси ва методикаси .....	140
<b>Х.ШОДМОНОВ Ш.АКРАМОВ</b>	
Қанд лавлагининг биологияси, етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий самарадорлиги .....	142
<b>М.РАХИМОВ, Х.АБДУРАСУЛОВ</b>	
Четдан келтирилган қорамол бузоқларини бўрдоқига боқишнинг жадал усули .....	145
<b>БИБЛИОГРАФИЯ</b>	
Библиография .....	147

УДК:66.35.57

## АҲОЛИ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ ГАРОВИ

С.Содиқов

### Аннотация

Мақолада фуқаролик жамияти қуришнинг кафолати аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга боғлиқлиги илмий жиҳатдан ёритилган.

### Аннотация

The article points out that the guarantee of establishing a civil society depends on improving the legal culture of the population.

### Аннотация

В статье отмечается, что гарантия формирования гражданского общества зависит от улучшения правовой культуры населения.

**Таянч сўз ва иборалар:** фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат, фуқаролар ҳуқуқи, сиёсий маданият, ҳуқуқий маданият.

**Ключевые слова и выражения:** гражданское общество, правовое государство, гражданские права, политическая культура, правовая культура.

**Keywords and expressions:** civil society, law state, civil rights, political culture, legal culture.

Мустақиллик даврига келиб мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамияти қуришнинг асосий пировард мақсад сифатида эълон қилиниши муносабати билан фуқаролар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ошириш давлатнинг устувор вазифаларидан бирига айланди. Чунки бу, давлат ва жамият ҳуқуқий маданияти юксак бўлган мамлакатлардагина амалга ошиши мумкин. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини фақат қонунлар ва давлат органлари томонидан ҳимоялашнинг ўзи етарли эмас, балки ҳар бир фуқаро чуқур ҳуқуқий қарашларга эга бўлиб, ҳуқуқий муносабатларнинг фаол иштирокчиси даражасига кўтарилган олгандагина эркин ва кучли жамият учун шарт-шароитлар етилган бўлади. Шунинг учун ҳам Биринчи Президентимиз И.А.Каримов бу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни қуйидагича ифодалайди: “Қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базадаги камчилик ва нуқсонларга имкон қадар тезроқ барҳам бериш, ҳуқуқни қўлланиш амалиётида ғоят жиддий ўзгаришларни жорий этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларининг фаолиятида фақат ва фақат қонунга риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқ ишларни такомиллаштириш даркор. Бу вазифалар биз барпо этаётган ҳуқуқий давлатни шакллантиришда нақадар муҳим аҳамиятга эга экани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ” [1.21].

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида фуқаролар ҳуқуқий маданиятини ошириш учун катта ишлар амалга оширилди. Аввало, қонунларни миллий манфаатлар ва адолат принциплари асосида қабул қилиш тажрибаси шаклланди. Мамлакатда профессионал парламент шакллантирилди. Ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқни қўллашда нафақат давлат органлари, балки фуқаролар ва нодавлат тузилмаларнинг ҳам тенглик асосида иштирок этиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 1997 йил 25 июндаги “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақидаги” ги Фармони эълон қилиниб, унга мувофиқ аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланиши, шунингдек, республикада ҳуқуқий давлат қурилиши йўлида олиб бориладиган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислохотлар ва бу борада қабул қилинган қонунлар моҳиятини аҳоли томонидан чуқур англаб етишига ҳар томонлама кўмаклашиш давлат бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, ўқув юртлари ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг энг долзарб вазифаси эканлиги белгилаб берилган.

С.Содиқов – ФарПИ ижтимоий фанлар кафедраси ассистенти.

Мазкур фармонда аҳоли ўртасида ҳуқуқий маърифатни кенгайтириш, фуқаролар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида республика “Ижтимоий фикр” жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази ташкил этилди. Шунингдек, Тошкент давлат юридик институти ҳузурида ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари ҳузурида унинг минтақавий бўлимлари тузилди. Шу билан бирга, туман ва шаҳар ҳокимликлари қошида жамоатчилик асосида ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказининг бўлимлари таъсис этилди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида юристлар малакасини ошириш маркази тузилди. Мазкур марказда адлия, суд, прокуратура, адвокатура, давлат бошқарув идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий билим олишлари кўзда тутилди. Мазкур фармоннинг қабул қилиниши ва ундаги вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатда аҳоли ҳуқуқий маданиятини ошириш ишлари кескин равишда ривожлана бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қарори билан “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш” Миллий дастури қабул қилинди. Мазкур Миллий дастурда аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларни кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратиш мақсади қўйилди. Бу мақсаддан келиб чиқиб, қуйидаги асосий вазифалар қўйилди:

-ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириш;

-барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунга ҳамда ҳуқуққа ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришиш;

-аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш;

-фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини таъминлаш.

Шунингдек, Миллий дастурда фуқаролар ҳуқуқий маданиятини шакллантириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар эълон қилинди:

-фуқаро, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий

маданияти ҳамда ижтимоий фаоллиги юксалишини таъминлаш;

-аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситаларининг роли;

-аҳолининг ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш, илмий-оммабоп юридик адабиётларнинг нашр қилиниши ва тарқатилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

-юридик таълим, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий тизимини ривожлантириш;

-ҳуқуқий маданият илмий асосларини тадқиқ этишни рағбатлантириш, ижтимоий-ҳуқуқий тадқиқотларни ташкил этиш.

Мазкур Миллий дастурни амалга ошириш ва ҳуқуқий давлат қуриш мақсадларидан келиб чиқиб, бир қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 майда “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, Миллий дастурни амалга оширишнинг аниқ ва реал тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, у ҳаётга тадбиқ этила бошланди.

XXI асрнинг бошига келиб, мамлакатда суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ этиш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлашга доир ислоҳотларни янада чуқурлаштириш натижасида аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш учун ижтимоий-ҳуқуқий шарт-шароитлар кенгайиб бормоқда. Лекин, шунга қарамай, ҳали мамлакатда аҳоли, айниқса ёшлар ҳуқуқий маданиятини оширишда ўз ечимини қутаётган муаммолар ҳам мавжуддир. Ёшлар ўртасида ўтказилган социологик сўровномаларда “Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва кодекслари тўғрисида”га ёшларнинг ахборотлашув даражаси”га жавоб берган респондентларнинг 65,2 фоизи Жиноят кодексини, 61,5 фоизи Меҳнат кодексини, 61,8 фоизи Фуқаролик кодексини яхши билмаслигини, “Сизнинг асосий бурчингиз нималардан иборат” деган саволга эса респондентларнинг фақат 15,2 фоизи қонунларни бузмаслик, деб жавоб берганлиги фикримизнинг далилидир [2.112,122].

Мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш ислоҳотларининг “Кучли

давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида янада чуқурлашиб бориши фуқаролар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини янада юксалтиришни тақозо этмоқда. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов томонидан илгари сурилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш” концепциясида фуқаролар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифалари қўйилган. Албатта, фуқаролик жамияти қуриш ислохотларининг чуқурлашиб бориши фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни зарурат қилиб қўйиши табиий бир ҳолдир.

Шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бош қафолатининг асосий мезони ҳам ҳар бир инсоннинг ўз ҳуқуқи, шаъни, қадр-қимматини ҳимоя қила олиш қобилиятининг нечоғли юқори эканлигидир. Зеро, буюк мутафаккир Аристотель “...агарда кимда ким қонун ҳокимият юритсин, деб талаб қилса, бу гўёки, фақат тафаккур ва илоҳиёт бошқарувини талаб қилган бўлади”. Кўриниб турибдики, идеал давлат ва жамият фақат мукаммал қонунлар ва фуқароларнинг юксак ҳуқуқий маданияти асосида қурилади ва яшайди [3.481].

#### Адабиётлар:

1. Каримов.И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш устувор вазифамиздир.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси.// Асосий вазифамиз Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т., 2010.
2. Молодежь независимого Узбекистана (социологическое исследование) –Т.: Ижтимоий фикр, 2010.
3. Аристотель.Политика.Соч.В 4-х т. -Т 4. –М.: Мысль,1984.

*(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор)*